



Фарғона ҳақиқати



http://farhaqiqat.uz/



t.me/farhaqiqati

№ 57



Сайтимизга ўтиш учун QR кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

2021 йил 13 июль, сешанба (24550)



УЗУМ ЕТИШТИРИШДА ОЛТИАРИҚ ТАЖРИБАСИ

мамлакатимиз бўйлаб оммалаштирилмоқда



Шу йилнинг 7 июль куни Президентимиз бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз узумчилик тармоғини замонавий мезонлар ҳамда жаҳоннинг энг илғор тажрибалари асосида ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланган эди.

Давлатимиз раҳбари топириги асосида узумчиликни жадал ривожлантириш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, янги навлар яратиш, интенсив усулда узум етиштиришни кенгайтириш ҳамда бу борада ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ишларига киришилди.

2021 йилнинг 10-13 июль кунлари Олтиариқ туманида узум етиштиришда билим ва кўникмаларни ошириш бўйича ўтказилган семинар-тренинг айни соҳада белгиланган вазифаларни тизимли асосда ташкил этиш ва оммалаштиришга қаратилган. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 500 нафардан зиёд вакиллар иштирок этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазири, тегишли қўмита ва агентликлари, илмий-амалий марказлар, олий таълим муассасалари раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, туманлар ҳокимлари қатнашган семинар-тренингда илмий маърузалар тингланди, ўзаро тажриба алмашиш, аҳоли хонадонларида узум етиштириш тажрибалари ўрганилди.

Семинарнинг илк иш кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Шўхрат Ғаниев очди ва олиб борди.

— Фарғона вилоятининг Олтиариқ

ва Қўштепа, Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани тажрибаси асосида республикамизнинг 47 та туманида узумчиликни жадал ривожлантириш кўзда тутилмоқда, — деди Шўхрат Ғаниев. — Шу тариха яқин истиқболда мамлакатимиз микёсида 153 минг 700 гектар ерда узумчилик плантациялари ташкил этилади.

Энг камиди 500 гектар ерни қамраб олган ҳолда узумчилик кластерлари фаолияти шакллантирилиб, ташаббускор тадбиркорлар, миришкор боғбонларга бир қатор имтиёзлар берилиди, субсидиялар ажратилади. Бу мамлакатимизда бозорбоп узум навлари етиштириш борасида жуда катта имкониятлар беради.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кескин рақобат шароитида жаҳон бозоридида данаксиз узум етиштиришга талаб тобора ортиб бормоқда. Шу боис узумнинг оддий хўраки навларини эмас, жаҳон бозоридида харидоригр бўлган янги, саноатбоп навларини кўпайтириш, соҳага илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш давр талабидир.

Айни жиҳатларни инобатга олиб, жорий йилда мамлакатимизда 15 минг 700 гектар узум экилган майдонларда томчилаб сўғориш технологиясини жорий этиш мақсад қилинган. Шунингдек, узум плантацияси ташкил этган ташаббускор тадбиркорга ҳар бир гектар учун 10 млн. сўм, 10 гектар ерда томчилаб сўғориш технологияси жорий

этилса, 120 млн. сўм, инновацион усулда етиштирилган ҳар бир тип узум қўчати учун 8 минг сўм микдоридида субсидия ажратилади. Тадбиркорга узумчилик кластери ҳудудида музлатгичли омборхоналар, экотуризм мажмуаларини ташкил этиш учун қўлайликлар яратилиб, имтиёзлар тақдим этилади.

Эзгу ташаббус доирасида ҳар бир вилоятда 2 та маҳалла фуқаролар йиғини узумчиликка ихтисослаштирилиши таъкидланиб, Олтиариқ туманининг "Узумчи", "Қўлбўйи", "Чинор тағи", "Мирфозил" МФИлари мисолида томорқада узум етиштириш улкан даромад манбаи эканлиги амалий мисоллар ёрдамида тушунтирилди. Олтиариқда 8 сотих ерда узум парварийлайдиган битта оила аъзолари йилга ўртача 35-40, бошқа экинлардан 15-20 миллион сўмгача даромадга эга бўлмоқда.

Мамлакатимиз ва Туркия олимлари иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди, икки минг гектар ерда саноатбоп узум етиштираётган "Fergana France" МЧЖга экотурист саёҳатлар уюштирилди.

— Бугунги кунда вилоятимиз-

да 9 минг 555 гектар майдонда узум парварийланмоқда, — дейди вилоят ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бўлими котибияти мудири Ғулмжон Бойпўлатов. — Жорий йилнинг ўзидида 147,8 минг тонна хўраки узумлар экспорт қилинади.

Бу сўнгги чегара эмас. Вилоятимизнинг бу борадаги имкониятлари жуда юқори. Шу мақсадда илғор иш тажрибаларни оммалаштириш, данаксиз узум етиштириш, қайта ишлаш, қўшимча қиймат занжирини яратиш борасида кластер ва кооперация тизимини йўлга қўйиш, инвестицион жозибадорликни ошириш борасида иш олиб бориляпти. Охириги икки йилда вилоятимизда 3,5 минг гектар янги узумзорлар барпо этилди. Кейинги тўрт йилда эса узум етиштириш ҳажми 4 баробарга оширилиб, 450 минг тоннага етади.

Айни кунда Олтиариқ туманида аҳоли хонадонларида 4 минг гектар ерда узум парварийланаяпти. Ховли уйлар ташқарисида қўшимча яна 1 минг гектар ерда узум етиштирилади.

Семинар қатнашчилари халқ

ибораси билан айтганда, узумчилик "профессорлари" Исақжон Бойматов, Хусанбой Ғофуров, Собиржон Мамасоттиев хонадонларида иш жараёнлари билан танишди.

— Хонадонимизда ва деҳқон хўжалиги сифатида ташкил этилган узум боғимизда "Хусайни", "Ризамат ота", "Келин бармоқ", "Қора шахзода", "Шоҳонак" сингари йиғирмадан ортқ узум навлари парварийланади, — дейди 80 ёшли Собиржон ота Мамасоттиев. —

Ҳозирги кунда туманимизда етиштирилаётган узум Россия, Марказий Осиё, Хитой, БАА каби ўнлаб давлатларга экспорт қилинмоқда. Президентимиз ташаббуслари билан узумчиликни ривожлантириш борасида берилган янги имтиёзлар бу борадаги ишлар салмоғини янада ошириш, узумчи боғбонларни қўллаб-қувватлашда қўшимча имкониятлар яратди.

Семинар-тренинг қатнашчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда илмий-амалий машғулотларда фаол иштирок этишди.

Расулжон КАМОЛОВ.

Бўлак яхши ном
истама, шул етар —
Сени яхши одам
деса эл агар.

Саъдий
ШЕРОЗИЙ.

Мухаррир
минбари



“ФАРҒОНА
ҲАҚИҚАТИ”га
“ВАТАН ХОИНИ”дан
қўнғироқ

Телефон қақирувига жавоб бердим. — “Фарғона ҳақиқати” газетаси редактори Мухаммаджон Обидовми, бу? — Савол жаранглади ғушадан.

— Ҳа, Сиз тўғри топдингиз. Бу мен, Обидовман. — Нега газетда ёлгон ёзасизлар. Ўзбекистонда ахвол жуда оғир. Халқ қийналиб кетган. Ҳеч қандай ислохот йўқ. Мана, масалан мен...

— Сўхбатдошимни базўр тўхтатдим.

— Аввал танишиб олайми, кимсиз?

— Америка Қўшма Штатларидан, Исоқжон Зокировман, сиёсий қочқин. Асли Андижонданман. Мени Ўзбекистонда ватан хоини дейишади. Мендан кўрқишади, муҳолифат деб. Ўзбекистонга боришим учун менга виза беришмапти. Негалигини билманман. Чунки Ўзбекистонда умуман ислохотлар йўқ. Такрор айтаман, ҳукумат мендан кўрқади!

Харҳолда бу ҳаётда анча оқ-қорани, паст-баландни кўрдик. Лекин сиёсат оламида Исоқжон Зокиров деган муҳолифатчи номини эшитмаганимиз. Келинг, америкача мурожаат қилай, жаноб Зокиров, қандай жиҳотлар содир этгач, Ўзбекистондан қочиб кетганингиз дафтарини очмайлик. Лекин бу саволга жавоб беринг. Ўзбекистондаги бугунги вазият, ислохотлар натижаларини кўра-билмай туриб, қайси асосларга таяниб қандай ҳавоий гаплар тарқатаясиз? (Сиз Facebook саҳифангизда ҳам шу гапларни ёзибсиз) Ё авлиёмисиз? Балки кўз бойлагичдирсиз?

Очиги, сиз билан адибадилашишга вақтим йўқ. Аммо билинг-

қи, Сиз туғилиб ўсган Ўзбекистонда сўнгги йилларда жуда кенг микёсда иктисодий ислохотлар амалга ошириляпти. Мана, бир нечаларинигина тилга олайлик.

— Ўзбек сўми тўлиқ конвертицияланди.

— Хусусий мулк дахл-сизлиги қонун билан мустақамланди.

— Давлат тасарруфиди мулк ва улушлар очик савдога чиқарилиб, хусусийлаштирилмоқда.

— Халқ орасидаги камбағаллик даражаси очик эътироф этилиб, улари “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари”га рўйхатга олинди ва ҳар бирига қучли ихтимоий кўмак берилди.

— Ўртача иш ҳақи, пенсия, нафақа микдори ўсди.

— Инсон ҳуқуқларини кафолатловчи қатор қонунлар қабул қилинди.

— Ҳар бир оиланинг ўз хонадони бўлиши керак, деган дастур асосида 2021 йилнинг ўзидида биргина Фарғона вилоятида 11600 та уй-жой қуриляпти.

— Олий таълим тизимидаги ўқув даргоҳлари ва талабалар сони кўпайди.

Шаҳар-қишлоқлар, маҳалла ва қўчалар обод бўлмоқда. Ёшларга қўшимча имтиёз ва қўлайликлар яратилляпти. Қайси бирини санай?

Лекин Сиз, сизга ўхшаган аламзада, ўзингиз айтган-дек, “ватан хоинлари” юртнинг бир сиким тупроғига ҳор-зор бўлганлар ҳамон Ўзбекистонга тош отишдан нари ўтмайсизлар.

Қўнғилни кенг, ниятни холис қилиб, соғлом назар билан қаранг Ўзбекистонга: она Ватан, халқ юксалиш сари дадил одим отмоқда!

Мухаммаджон ОБИДОВ.



“АМЕРИКА ОВОЗИ” АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ (ТЕЛЕРАДИОСИ)НИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУХБИРИ НАВБАҲОР ИМОМОВА БИЛАН СУҲБАТ

(Стенограмма)

М.Обидов: — Нега энди Америка Глобал медиа агентлиги маблағ ажратиб, Ўзбекистондаги журналист, блогерларни дата журналистика йўналишида малакасини оширяпти, яъни ўқитаяпти. Бу Ўзбекистон — Америка муносабатларининг шу қадар чуқурлашувини кўрсатадиган ёки Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонга учта йирик давлатлар Америка, Хитой, Россиянинг таъсир доирасини кўчайтиришига қаратилган глобал сиёсатнинг бир кўринишими?

Н.Имомова: — Ҳар иккиси. Бу ҳақида биз Вашингтон расмий идораларидан ҳар доим эшитиб келамиз. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юраги. Минтақадаги энг йирик медиабозор шу ерда. Энг йирик аудитория шу ерда ва бизга Ўзбекистонда бўлаётган барча жараёнлар жуда қизиқ. Айниса, нима ўзгариб, нима ўзгармаётгани.

Ҳар гал Ўзбекистонга келганимда шуларни таҳлил қиламан. Мен учун энг асосий, энг ишончли динамик манбалар, бу — оммавий ахборот воситалари. Улар билан доимий мулоқотдаман. Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари, унинг Глобал медиа агентлиги, “Америка овози” радиоси ва менга очилганидан сўнг журналистлар билан мулоқотда шундай хулосага келдимки, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ҳодимлари, журналистлар профессионал қўлловга муҳтож. Қолаверса, буни Ўзбекистон ҳукумати ҳам қувватлайди. Ўз навбатида, Америка Ўзбекистонда матбуот эркинлиги ва профессионал журналистиканинг ривожланишидан манфаатдор. Демак, бу ўзаро манфаатларга асосланган ҳамкорликнинг бир кўриниши. Журналист иктисодиётни ёрита олади, у ҳар нарсани ёрита олади. Медиа эркинлик ҳам, инсон ҳуқуқлари ҳам иктисодиёт билан боғлиқ. Тошкентдаги

ҳамкасбарим буни кечиришар, Фарғонада журналистлар низоҳатда дадил. Уларда кўникмалар етишмаса-да, илос ва хоҳиш бор. Агарда хоҳиш бўлса, албатта, олдинга интилиш мумкин. Лекин шу билан бирга, журналистларнинг ўзларига нисбатан ишончи паст ва бу албатта ўша ўтган ўттиз йилги тарихга ва жуда кўплаб ижтимоий омилларга бориб тақалади.

Биринчидан, журналистика яхши ўргатилмаган. Журналистика нима эканлигини ҳамisha давлат ҳал қилган. Керак информация нима эканлигини ҳукумат айтган. Ҳозирда журналистлар мана шу қолипдан чиқишга ҳаракат қилишяпти. Ўзлари ўз соҳасининг авторитети бўлишга ҳаракат қилишяпти. Албатта, бу ҳукуматга таҳдид эмас. Буни тушуна бошлаган раҳбарият шунинг учун ҳам тренингларга йўл берапти.



“ИННОПРОМ” ХАЛҚАРО САНОАТ КЎРГАЗМАСИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТАҚДИМОТИ



Россиянинг Екатеринбург шаҳридаги “Екатеринбург-экспо” кўргазмалар мажмуасида “Иннопром” халқаро саноат кўргазмаси ташкил этилди.

“Маслашувчан ишлаб чиқариш” шиори остидаги мазкур кўргазмада Россия, Ўзбекистон, Япония, Германия, Италия, Венгрия, Беларусь каби мамлакатларнинг илғор саноат корхоналари иштирок этди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари – вилоят инвестициялар ва ташқи сав-

до бошқармаси бошлиғи Иқболжон Эргашев бошчилигидаги делегация халқаро миқёсдаги тадбир доирасида ўтказилган конференция ва семинарларда хорижий мамлакатлар ҳуудлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди.

Кўргазмадаги Фарғона вилояти стендига ҳамкор давлатлар компаниялари катта эътибор қаратди.

Ўз мухбиримиз.

Қонун шарҳи

Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан бошлаб дин ва эътиқод эркинлиги борасида ҳам дадил қадамни қўйди. Аввалги тузум “даҳрийлик тушунчаси”ни ёқлаган бўлса, мустақиллик даврида инсон динсиз яшай олмаслиги нўқтаи назаридан дин сиёсати бўйича маълум вақон-қонун бўлишига, меъёрлар асосида барча дин вакилларининг аҳил-иноқ яшашлари учун зарур чоралар қўрилишига алоҳида аҳамият қаратилди.

Динга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгаргани натижасида 1991 йилда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу ҳужжат 1993


йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгаришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлди. Вақт ўтиб, турли омил ва давр талаби асосида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун 1998 йил 1 майда янги таҳрирда қабул қилинди.

Охириги йилларда ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан барча соҳада ислохот ва ўзгаришлар қилинмоқда. Ислохотлар замирида эса халқни рози қилиш, Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш кўзда тутилган. Олиб борилаётган ана шу ислохотлар диний-маърифий соҳани четлаб ўтаётгани йўқ.

Хабарингиз бор, юртимизда виждон эркинлигини таъминлаш мақсадида парламент томонидан “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Жорий йил 5 июлда эса Президентимиз томонидан имзоланди.

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ



ташкилот фаолиятини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш бўйича ҳуқуқи чиқариб ташлангани, шунингдек, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида “Ибодат либоси” тушунчасининг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмаслиги сабабли жамоат жойларида ибодат либосида юришга таъқиқ қонундан чиқариб ташлангани юртимизда диний соҳага берилаётган эътиборнинг самарасидир.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун келажакда халқимиз манфаати учун, 130 дан зиёд миллат ва элат яшаётган Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, диний бағрикентлиқни таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади, диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган улкан ишларни бутун дунёга тараннум этди, иншооллох.

**Убайдуллоҳ АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона вилояти бош имом-хатиби.**

Жараён

“ХУНАРМАНДЛАР МАРКАЗ”ЛАРИ: ҲАРАКАТЛАР УЛКАН МАҚСАДЛАРГА МОС(МИ?)

**ТАШАББУСДАН –
АМАЛИЁТГА**

Бугун вилоятимизнинг 13 та туманида ана шундай марказлар ташкил этилиб, улар учун махсус бинолар қурилиши давом этмоқда. Галдаги вазибалар эса марказларга хунарманд-тадбиркорларни бириктириш, уларга ҳар жиҳатдан қўмаклашишдан иборат.

– Вилоят ҳокимлиги, “Хунарманд” уюшмаси, Савдо-саноат ва Бандлик бошқармалари билан ҳамкорликда ҳудудларда қурилаётган “Хунармандлар марказ”ларини салоҳиятли хунармандларга бириктириш ишлари олиб боришмоқда, – дейди “Хунарманд” уюшмасининг вилоят бошқармаси бошлиғи в.в.б. Рашидjon Аминов. – Туман ҳокимликларини томонидан тавсия этилган 30 га яқин ташаббускор-таалабдорлар билан суҳбат ўтказилиб, уларга марказ фаолиятини йўлга қўйиш шартлари ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар тушунирилди. Ҳозирча 6 та марказни бошқариш салоҳияти ва моддий имконияти етарли талабдорлар аниқланди.

Ташаббускорлар – хунармандчиликнинг турли йўналишларида қадимий анъаналарни давом эттириб келаётган, шунингдек, замонавий бизнес бўйича етарли билим ва тажрибага эга тадбиркорларнинг ушбу марказларга қизиқиши катта. Бу ерда махсуслаш ишлаб чиқариш, “Уста-шоғирд”лик асосида ёшларни хунармандчиликка ўргатиш, ўз махсуслигини намойиш қилиш, харидорлар ва мижозлар билан музокара олиб бориш учун барча шартнослар яратилади.

**БИНОЛАР ҚАЧОН
БИТАДИ?**

Марказлар фаолияти учун бинолар қуриб битказилиши керак. Шундагина тадбиркор зарур жиҳоз ва ускуналарни олиб келиб ўрнатиши, махсуслаш ишлаб чиқаришга киришиши мумкин. Ҳўш, бу жараён қандай кетмоқда?

Ҳозиргача Бағдод, Тошлоқ, Қува, Эвёнов, Дангара туманларида уч қаватли бинолар қад ростлади. Лекин Олтиариқ, Риштон, Бувайда туманларида ҳали яқини-га етказилмаган. Лойиҳага кўра, биринчи қаватда кўргазмалар зали ва бошқарув хоналари, иккинчи ва учинчи қаватларда эса ишлаб чиқариш дастгоҳлари жойлаштирилади.

– Туманимизда “Хунармандлар



маркази” қурилиши кечикканининг баъзи сабаблари бор, – дейди “Хунарманд” уюшмасининг Олтиариқ туман бўлими бошлиғи Маҳмудjon Ғойипов. – Қурилиши мўлжалланган майдоннинг бир қисми Мажбурий ижро бюроси туман бўлимига тааллуқли экан. Шу муаммони ҳал этиш ишлари бироз чўзилиб, қурилиш ишлари тўхтаб қолган. Ҳозир режадаги ишларнинг ярми бажарилди.

Бундан ташқари, марказнинг фасад қисмини тўсиб турган бекат биноси (бир томони савдо дўкони) да фаолият олиб бораётган тадбиркорга бошқа жойдан ер ажратиб бериш зарур. Тезроқ бунинг ечимини топиш талаб этилади.

Бувайда туманидаги бино қурилиши ҳали ниятсизга етказилмаган. 426-ХКМК қурилиш ташкилоти иш юритувчиси Абдурахим Ҳошимовнинг айтишича, режадаги ишларнинг 80 фоизи бажарилган. Электр, сув, газ тармоқларини тортиш, ички пардоз ишлари қолган. Июль ойининг ярмигача барча ишларни якунлаш режалаштирилган.

Риштон туманида ҳам шу ҳолат. Асосий бино қурилган, аммо пардоз ишлари чала.

Ҳунармандлар, мутасаддилар қурилиш ишларининг тез ва сифатли бажарилишига эътибор қаратишади.

**ТАДБИРКОРЛАР
НИМА ДЕЙДИ?**

– Қирқ йилдан бери чеварман. Дастлаб ўз хонадонимда, кейин алоҳида бинони ижарага олиб, кийим-кечак тикишни йўлга қўйганман, – дейди олтиариқлик ташаббускор-хунарманд Санобарjon Ортиқова. – Ҳозир 70 нафар ишчимиз бор. Туманимизда қурилаётган “Хунармандлар маркази”га яна 80 нафар уйда ишловчи чевар хотин-қизларни олиб келиш ниятиданаман. Асосан,

миллий кийимлар тикиш, бунга қўшимча гилам тўқишни ҳам режалаштирганмиз.

Маълумки, хунармандчиликда ҳар бир ҳудуднинг ўз анъанаси, “драйвери” бўлади. Мисол учун, Марғилонда атлас ва адрас тўқиш, Риштонда кулполчилик, Бағдодда мебелсозлик ривожланган.

– Марказда фаолият олиб бориш ўзига яраша масъулият ва тажриба талаб қилади, – дейди Бувайдалик ташаббускор Равшан Маматқулов. – Ҳозир ўз кичик корхонамда 10 нафардан ортиқ ишчилар трикотаж махсусотлари ишлаб чиқариш билан банд.

Мақсадин – марказда каштачилик, миллий либослар, пойабзал, трикотаж махсусотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли бўлимларни қўллаштириш. Асосий эътибор – хотин-қизларни домий иш билан таъминлашга қаратилади. Уларга муносиб меҳнат шaroити яратиш, яхши иш ҳақи тўлаш учун нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам фаол бўлиш зарур.

Ишга ёлланувчи хунармандларнинг етарли малака ва кўникмага эга бўлиши, техник ва касбий тайёргарлиги ҳам муҳим. – Шу кунгача Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари, Бешарик, Сўх, Бувайда туманларидан келган 200 нафардан зиёд хотин-қизларни ҳар хил йўналишларда ўқитиб, сертификатлар топширдик, – дейди Марғилон шаҳридаги “Хунармандлар маркази” раҳбари Иброҳимjon Султонов. – Қизикувчилар кўп, лекин хунар сирларини яхши ўзлаштириш, келгусида туманлардаги ана шундай марказларда ишни эшлаб кетиш ҳам керак.

Ўқувчиларнинг атлас, адрас, гилам, аъло баҳамл тўқиш, каштачилик бўйича “Уста-шоғирд” анъанаси асосида тажриба орттиришади.

Ҳаётжон БОЙБОБОВЕВ.

Брифинг

Фарғона вилоят суди мажлислар залида вилоят судлари томонидан 2021 йил ярим йиллигида амалга оширилган ишлар юзасидан брифинг бўлиб ўтди. Унда вилоят суди ҳамда вилоят маъмурий суди раислари, суд раисининг ўринбосарлари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерлар иштирок этишди.

АСОСИЙ МАҚСАД – ОЧИҚЛИК ВА ХАЛҚИМИЗ РОЗИЛИГИ

Суд раиси ва ўринбосарлари томонидан жорий йил олти ойида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлари эшитилди. Жумладан, суд жараёнларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, судларга мурожаат қилиш усуллари, ишлар қўриб чиқиш мuddатларининг қисқариши, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судларга тегишлиликнинг аниқлаштирилиши, даъво аризалари мuddатлари қаби бир қатор масалалар бўйича тушунтириш берилди.

Кейинги пайтда аёллар ва воёга

етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилиши, оилавий ва меҳнат низолари, шунингдек, кредит, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ундириш, кадастр, пенсия тайинлаш қаби масалалар бўйича низо-лар сони кўпайган. Судлар томонидан сайёр мажлислар ўтказилиши эса фуқароларнинг оворагарчилик-лари қамайишига сабаб бўлмоқда. – Халқимизнинг судларга ишончи кун сайин ортиб бормоқда. Зеро, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-мундарижаси айнан шу мақсадга қаратилган, – деди вилоят суди

раиси Шўхрат Камолов. – Суд жараёнида маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан ҳамкорлик ўрнатилгани ҳам қўл келмоқда. Бундан ташқари, е-хсуд платформаси орқали барча суд ишларининг очиклиги таъминланмоқда. Даъволарни ҳал этишда асосий эътибор эса тараф-ларни яраштиришга қаратилмоқда. Эътиборли жиҳати, 1 июлдан бошлаб қўрилиган ишлар судьяларга автоматик равишда тақсимланади, яъни инсон омили аралашмайди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган анжуманда матбуот ва ОАВ вакил-ларининг саволларига судьялар томонидан батафсил жавоблар берилди.

Ўз мухбиримиз.

Қишлоқларни яёв кезганда



**Ўзбекистон туманида-
ги “Шўрқишлоқ” маҳалла
фуқаролар йиғини қиёфаси
кундан-кунга кўркемлашиб
бормоқда. Янги уй-жойлар, сав-
до, маиший хизмат кўрсатиш
тармоқлари қурилди. Ички
йўللارни шағаллаш, асфальт-
лаш ишлари олиб борилаётган
аҳоли узоғини яқин, оғирини
енгил қиляпти.**

БЕКОР ЮРГАН ОДАМ, БЎШ ҚОЛГАН ТОМОРҚА ЙЎҚ

Шўрқишлоқлик Абдуғаффор Жаббаров маҳалла фуқаролар йиғинига раис бўлиб сайлан-трикотаж махсусотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли бўлимларни қўллаштириш. Асосий эътибор – хотин-қизларни домий иш билан таъминлашга қаратилади. Уларга муносиб меҳнат шaroити яратиш, яхши иш ҳақи тўлаш учун нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам фаол бўлиш зарур.

Ишга ёлланувчи хунармандларнинг етарли малака ва кўникмага эга бўлиши, техник ва касбий тайёргарлиги ҳам муҳим. – Шу кунгача Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари, Бешарик, Сўх, Бувайда туманларидан келган 200 нафардан зиёд хотин-қизларни ҳар хил йўналишларда ўқитиб, сертификатлар топширдик, – дейди Марғилон шаҳридаги “Хунармандлар маркази” раҳбари Иброҳимjon Султонов. – Қизикувчилар кўп, лекин хунар сирларини яхши ўзлаштириш, келгусида туманлардаги ана шундай марказларда ишни эшлаб кетиш ҳам керак.

Ўқувчиларнинг атлас, адрас, гилам, аъло баҳамл тўқиш, каштачилик бўйича “Уста-шоғирд” анъанаси асосида тажриба орттиришади.

Ишга ёлланувчи хунармандларнинг етарли малака ва кўникмага эга бўлиши, техник ва касбий тайёргарлиги ҳам муҳим. – Шу кунгача Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари, Бешарик, Сўх, Бувайда туманларидан келган 200 нафардан зиёд хотин-қизларни ҳар хил йўналишларда ўқитиб, сертификатлар топширдик, – дейди Марғилон шаҳридаги “Хунармандлар маркази” раҳбари Иброҳимjon Султонов. – Қизикувчилар кўп, лекин хунар сирларини яхши ўзлаштириш, келгусида туманлардаги ана шундай марказларда ишни эшлаб кетиш ҳам керак.

Ўқувчиларнинг атлас, адрас, гилам, аъло баҳамл тўқиш, каштачилик бўйича “Уста-шоғирд” анъанаси асосида тажриба орттиришади.

ишга тушди. “Ўзтелеком” компанияси ташаббуси билан интернет тармоғи олиб келинди. Эндиликда шу ердан туриб дунёнинг истанган мамлакатлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконияти яратилди. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари фаолияти билан боғлиқ барча ёзишлар электрон тарзда олиб боришмоқда.

Электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида 2 та трансформатор, 42 та таъин устунлар алмаштирилди, 380 метрда электр тармоғи янгиланди. Маҳалла ёш-лари учун спорт соғломлаштириш маскани қуриб берилди. 1,5 кило-метр масофага тоза ичимлик суви тортиш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди. Бу 200 дан ортиқ хонадонни ичимлик суви билан таъминлайди.

– “Маҳаллабай” ишлаш бўйича ташкил этилган янги тизим аҳоли муаммоларини тўлақонли ўрганиш, амалий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик ва касбга ўқитиш, имтиёзли кредитлар орқали бандлигини таъминлаш, қамбағалликни қисқартиришда яхши самара бермоқда, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуғаффор Жаббаров.

– Қишлоғимизда ишлаб чиқариш корхонаси йўқ. Аммо бу ишсизлик-ка бахона эмас. Ҳар бир масалага уйма-уй, маҳаллабай асосда ечим топишга ҳаракат қилинпти. Бекор юрган одам, бўш қолган томорқа майдони йўқ. Қафқдек ердан унум-ли фойдаланаётган томорқачилар кўпаймоқда. Шу кунга қадар 42 на-

фар “Темир дафтар”га киритилган оилалар мўким даромад манбаига эга бўлди. Ишсиз хотин-қизларнинг 4 нафарига қорамолчилик йўналишида имтиёзли кредит олишга қўмаклашдик, 5 нафари хўжалик томорқасида ўз-ўзини банд қилган ҳолда меҳнат стажига эга бўлди, бир нафарининг уй-жойи таъмирлаб берилди. Тиббий ёрдам-га муҳтож 3 нафар хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Мариям Сотволдиева етти йил-дирики бетоб. Даволашишга имкони йўқ. Турмуш ўртоғи ёлланма ишчи, топгани рўзгордан ортмайди. Оила аҳоли билан танишган мутасаддилар тавсиясига кўра, Тошкент тиб-биёт академияси клиникасида бепул жарроҳлик амалиётини ўтади.

– Яхшиларнинг кўмаги билан ҳаётимда ўзгаришлар юз берди, – дейди севинчдан қўзлари ёшланган она. – Саломатлигим яхшиланди, уй юмушлари билан андармон бўлиб оиламиз тинчлиги, фаровонлиги-га хисса қўиш, фарзандларим камолини кўриш насиб қилганидан хурсандман.

Гулёра Ғофурова “Аёллар дафтери”га киритилган оила бекаси. Қарамонда ногирон фарзанди бор. Турмуш ўртоғи ёлланма ишчи. Мута-саддилар бу оилга субсидия асоси-да иссиқхона қуришга ёрдам берди. Турмуш ўртоғи ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Бугун мўъжас иссиқхонадаги помидор ҳосилга кирди. Шу кунга қадар 5 миллион сўмга яқин махсуслот со-тилди.

Маҳаллада супурги етиштириш,

қайта ишлаш ҳадисини олган миришкорлар кўп. Бугдоддан бўшган экин майдонларига асосан супурги экилиб, қайта ишланди. Яқка тартибдаги тадбиркор Баҳром Сотволдиев бу борада кўпга ибрат. Унинг сай-ҳаракати билан тайёр-ланган махсусотлар ички бозордан ташқари яқин қўшни мамлакатлар, ҳатто Молдова, Финландияга ҳам етиб борди.

– Масвумда 5 миллион дон-гача супурги экспорт қиламиз, – дейди тадбиркор. – Бу жараёнда маҳалламиздаги ҳар бир фуқаро иштирок этади. Бир дон супурги тайёр бўлгунча беш бор қўлдан-қўлга ўтади. Юздан ортиқ аҳоли билан касаначилик асосида иш олиб борамиз.

Маҳалла фуқаролар йиғини қошида тикувчилик чеҳи фаолиятини йўлга қўйиш учун 50 миллион сўм сармоа олинди. Аёллар учун соғломлаштириш маркази, гўзаллик салоҳи қурилади. “Мустақиллик”, “Янги ҳаёт”, “Наврўз” кўчаларида яшаётган аҳоли томорқа экин-ларини сув билан таъминлаш мақсадида янги сув кудуғи қазиш учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилди.

Кейинги икки йилда маҳаллада жиноятчилик, оилавий ажрим билан боғлиқ салбий ҳолатлар қайд этилмади. Сабаби, ҳалол меҳнат ортиндан топилаган даромад оила-ларга фойз-барака, тинчлик-тотув-лик, фаровонлик олиб келмоқда. Бу ҳаёт ҳақиқатини Шўрқишлоқда бўлган киши дарров илғайди.

Расулjon КАМОЛОВ.

Covid-19

БУГУНГИ ВАЗИЯТ
ЛОҚАЙДЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ



Коронавирусга оддий касаллик сифатида қарамаслик керак. Айни пайтда, айрим давлатларда коронавирўснинг янги штаммини юқтирганлар сони ошаётгани ва инфекциядан юзлаб, минглаб одамлар вафот этаётгани ҳар биримиздан ҳушёр бўлишимизни, карантин талабларига сўзсиз риоя қилишимизни талаб этади.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Газетамизнинг ўтган сонларида Қувасой, Фарғона шаҳарлари ҳамда Фарғона туманидаги айрим мактаб ҳожатхоналарининг ачинарли аҳволи ҳақида мақолалар чоп этилган эди. Бу масала бот-бот такрорланишига қарамай, ҳали-ҳамон кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмаяпти! Муаммага ечим топиш шу қадар мушкул масалами?



Шу ўринда карантин қоидаларининг қатъий ҳисобланадиган бир нечта муҳим жиҳатларга тўхталиб ўтмоқчиман. Аввало, тиббий ниқобдан ҳамда антисептик воситалардан фойдаланиш нафақат карантин пайтида, балки кундалик талабга айланиши лозим. Фуқароларнинг тиббий ниқобдан оммавий фойдаланиши юқумли касаллик билан хасталанишни сезиларли даражада камайтирди. Бундай ҳолат дунё тажрибасида ҳам қайд этилди. Одамлар кўп тўпланадиган жойларда, оммавий тадбирларда, бозорлар, савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш масканларида, иш ва ўқиш жойларида тиббий ниқобдан фойдаланиш саломатлик гаровидир. Ниқобли тартибга фарзандла-

римизни ёшлик чоғларидан бошлаб кўникириб бориш лозим. Шунингдек, қўлларни тез-тез совунлаб ювиш, йўталганда, аксирганда оғиз-бурунни дастрўмол, салфетка ёки букилган тирсак билан ёпиш одатий турмуш тарзига айланиши керак.

Яқин танишларнинг қўл бериб сўрашишдан ташқари, кучоклашиб қўришиши одат тусига кириб қолганди. Мумкин қадар ижтимоий масофа (2 метр)ни сақлаш юқумли касалликка чалинмаслиқнинг муҳим шартидир.

Йирик корхоналарда тиббий қисм фаолият юритади. Аммо кам сонли, шунингдек, хизмат кўрсатиш масканлари, бозорлар, савдо мажмуаларида ҳатто кичик тиббий ходимгагина эмас, оддий дори

кутиларига ҳам дуч келмайсиз. Талаб шуки, ҳар бир иш жойида, албатта термометр бўлиши шарт. Бу санитария-эпидемиологик осойишталик қоидаси талаби даражасига кўтарилиши лозим.

Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Коронавирус касаллигига қарши эмланиш ҳар қачонгидан кўра ҳозир тавсия қилинади. Одамлар орасида турли хил асоссиз гаплар тарқалгани боис, кўпчилик вакцина олишни хохламаяпти. Бу жуда катта хато иш ҳисобланади. Ўз соғлиғимиз ўзимиз учун муҳим.

“Мен вакцина олдим” акцияси вилоятимиз бўйлаб кенг тарқалмоқда. Ҳаммани янада фаолликка қорлаб қоламиз.

Биз — фарғоналик тиббиёт

ходимлари халқимизни корона-вирус пандемиясидан асрашда билим-тафаккуримиз, ҳаётий тажриба, соҳанинг моддий-техника базасидан унумли фойдаланган ҳолда барча имкониятларимизни тўлиқ сафарбар этамиз. Бу борада белгиланган тартиб-тамойилларга қатъий риоя этсак, миллий қадриятларимизга уйғун бўлган тиббий маданиятимизни намоеён қилсак, тез орада бу касалликни енгиб ўтамиз.

Бугунги синовли кунларда шахсий жавобгарлик, масъулият ва дахлдорлик туйғуси ҳар биримизнинг юрт олдидаги шарафли бурчимиздир!

Ҳусан МАМАЖОНОВ,
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.

– Тошлоқ туманида 51 та умумий ўрта таълим мактабининг 31 таси таъмирга муҳтож, — дейди туман халқ таълими бўлимининг қурилиш бўйича мутахассиси Азаматжон Ҳамролиев. — 6 та мактабнинг ҳожатхонасини қайта қуриш ва 24 тасини жорий таъмирлаш режалаштирилган.

– Шулардан ҳозиргача нечтаси битказилди ёки таъмирланди? — Бу саволимизга тайинли жавоб У “қуриляпти, таъмирланаяпти” деган гапдан нарига ўтмади.

4-умумий ўрта таълим мактабида маъсулларни тополмадик.

– 10-15 йилдан бери шу ерда ишлайман,— дейди мактаб қоровули Абубақир ота Отажонов. — Лекин таъмирланганини кўрмаганман.

Мактабни кўздан кечирдик. Тахта полни босган сари синиб кетгудек овози эшитилади. Стол-стул, парталар кўриб бўлмас аҳволда. Бино деворлари нураб ётибди. Спорт зал ва кутубхона учун ажратилган хоналарнинг аҳволи ҳам ачинарли.

Мактаб ҳовлисининг бурчагида жойлашган ҳожатхона абгор, эшиклари қийшайиб ётибди, кўл ювадиган жой эса йўқ.

Унинг қаршисидаги янги қурилган ҳожатхонанинг эшиклари қулф, умуман очилмаганга ўхшайди. Қоровулнинг айтишича, янги ҳожатхона бошланғич синф ўқувчилари учун, эскиси эса юқори синфдагиларга мўлжалланган. “Тоғлиқ” МФЙда жойлашган 10-умумий ўрта таълим мактабида мингдан

ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олади. Кираверишда бошланғич синфлар учун янги бино қурилган, орқа томондаги бино эски ва яроқсиз. Ҳожатхонаси хароб, эшик ёпилмади. Унга олиб борувчи йўл ўйдим-чүкур. Қўл ювиш жойи, афсуски, бу ерда ҳам мавжуд эмас.

Туман марказида жойлашган 1-умумий ўрта таълим мактабида 1329 нафар ўқувчи ўқийди. Эски, таъмирга муҳтож ҳожатхона қайтадан қуриляпти. Лекин эндигина пойдевори бит-



АҲОЛИНИНГ ВАКЦИНА ОЛИШДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЗИМ

Вилоят ҳокимлиги томонидан фаолиятимизни бугунги кун талаблари асосида ташкил қилиш учун барча шароитлар муҳайё этилди. Белгиланган тартибда вилоятнинг барча ҳудудларида мунтазам равишда дезинфекция ишлари, аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда. Афсуски, баъзи ҳамюртларимиз пандемия гўёки унга ва оиласига тааллуқли эмасдек, бепарволик қилмоқда.

лакатимизда коронавирўс инфекциясига қарши оммавий эмлаш тадбирларига старт берилган эди.

Юртимизда аҳолининг коронавирўсга қарши эмланиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган бўлса-да, ўтган 3 ойдан ортиқ вақт давомида халқимизнинг вакцина жараёниларидаги фаоллиги сезилмади.

Ҳолбуки, бу саъй-ҳаракатлар, энг аввало, аҳоли саломатлиги йўлида амалга оширилмоқда.

Бирок буни ҳамма ҳам бирдек тушунаётгани, тўғри англаётгани йўқ. Аксинча, айримлар ижтимоий тармоқлар орқали эмлаш тўғрисида турли асоссиз фикрлар тарқатишга, одамлар онгидан вакцина ҳақида нотўғри тасаввур

уйғотишга уринмоқда.

Баъзи фуқаролар нотўғри фикрларга ишониб, ўзи ва яқинларини вакцина олишига монелик қилмоқда. Энг ёмони, улар бу билан касалликнинг аҳоли орасида янада кенг тарқалишига замин яратаётир.

Ҳатто, хавф гуруҳига қирувчи 65 ёшдан юқори бўлган аҳоли вакиллари ҳам бу жараёнларда суст иштирок этаётгани мутахассис сифатида мени ҳайрон қолдирди.

Бундан ташқари, мавжуд тўртта санитария-назорат постлари орқали вилоятимизга қўшни мамлакатлардан кириб келаётган ҳар бир юк автомашинаси махсус хизматчилар томонидан дезинфекцияланмоқда, ҳайдовчилар

ва юк қўзғатувчиларининг ҳарорати ўлчанмоқда, ўша жойнинг ўзида корона-вирус инфекциясига тахлиллар олиниб, лаборатория жавоблари чиққунга қадар улар махсус жиҳозланган жойларда назоратда ушлаб турилибди.

Дунё мамлакатларидаги коронавирўс пандемияси билан боғлиқ ҳолатлар шуни яна бир қарра исботладики, ҳеч қим менга касаллик юқмайди, деб қафолат бера олмайди. Шунинг учун фуқароларимизга такрор эслатиб ўтмоқчимиз, коронавирўсга қарши эмланинг!

Ғулмжон ЯКУБОВ,
вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик маркази мудири.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Фарғона вилоят кенгаши тасарруфидаги қуйидаги туман (шаҳар) ташкилотлари фаолияти тугатилаётганлиги маълум қилинади

№	Ташкилот номи	Ҳисоб рўйхатидан ўтган сана ва рақами	Жойлашган манзили
1	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Қувасой шаҳар ташкилоти	2016 йил 1 июль, №670 п	Қувасой шаҳар, Бош кўприк кўчаси, 1-уй
2	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Фарғона шаҳар ташкилоти	2016 йил 1 июль, №671 п	Фарғона шаҳар, Сохибқирон Темуր кўчаси, 60-уй
3	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Тошлоқ туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №672 п	Тошлоқ тумани, Алишер Навоий кўчаси, 197-уй
4	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Сўх туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №673 п	Сўх тумани, Маънавият кўчаси
5	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Марғилон шаҳар ташкилоти	2016 йил 1 июль, №674 п	Марғилон шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 157-“а” уй
6	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Қува туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №675 п	Қува тумани, Фурқат кўчаси, 4-уй
7	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Бувайда туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №676 п	Бувайда тумани, Беруний кўчаси, 11-уй
8	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Бағдод туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №677 п	Бағдод тумани, Қўшчинор кўчаси, 2-уй
9	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Қўштепа туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №678 п	Қўштепа тумани, Сохибқор кўчаси, 103-уй
10	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Олтиариқ туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №679 п	Олтиариқ тумани, Мустақиллик кўчаси, 103-уй
11	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Фарғона туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, № 680 п	Фарғона тумани, Баҳор кўчаси, 38-уй
12	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Фурқат туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №681 п	Фурқат тумани, Мустақиллик кўчаси, 45-уй
13	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Бешариқ туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №682 п	Бешариқ тумани, Бухорий кўчаси, 4-уй
14	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Ўзбекистон туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №683 п	Ўзбекистон тумани, Ғалаба кўчаси
15	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Учкўприк туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №684 п	Учкўприк тумани, Бегмурод кўчаси, 28-уй
16	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Данғара туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №685 п	Данғара тумани, Нурли йўл кўчаси, 1-уй
17	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Ёзёвон туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №686 п	Ёзёвон тумани, Андижон кўчаси, 1-уй
18	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Риштон туман ташкилоти	2016 йил 1 июль, №687 п	Риштон т., Мустақилликнинг 15 йиллиги кўчаси, 13-уй
19	Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ташкилоти	2016 йил 1 июль, №688 п	Қўқон шаҳар, Навбахор кўчаси, 53-уй

Фарғона касб-ҳунар мактаби (собик Фарғона тиббиёт коллежи) ни 2009 йилда тамомлаган Мари-фова Динарахон Шарофиддинов-на номига берилган К 1343116 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар 30-ўрта таълим мактабини 2000-2001 ўқув йилида тамомлаган Абдуразакова Дилафрўз Мукмужоновна номига берилган О’Р-А 1184905 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олтиариқ тумани 4-ўрта таълим мактабини 1993-1994 ўқув йилида тамомлаган Тўйчиев Рахматилло Қудраталиевич номига берилган А 377701 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олтиариқ тумани 17-ўрта таълим мактабини 2003-2004 ўқув йилида тамомлаган Пирматова Наргиза-хон Икромовна номига берилган U 0770703 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона саноат ва хизмат кўрсатиш техникуми (собик Фарғона ижтимоий-иқтисодиёт кол-лежи)ни 2007 йилда тамомлаган Алиев Дилшод Анварович номига берилган К 0626901 рақамли имти-ёзли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қувасой шаҳар, “Пакана” МФЙ-да жойлашган “Vodiy tulporlari” масъулияти чекланган жамияти номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар 9-ўрта таълим мактабини 1994-1995 ўқув йилида тамомлаган Хасанов Владислав За-мирович номига берилган 040196 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қувасой шаҳар, Қалача қишлоғида жойлашган “Vodiy trevel baxoriston” масъулияти чекланган жамияти номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олтиариқ тумани 34-инфор-матика ва ахборот технологияла-рига ихтисослаштирилган давлат умумий ўрта таълим мактаби (собик Олтиариқ тумани 34-ИДУМ) ни 2019-2020 ўқув йилида тамом-лаган Хасанбоев Ойбек Рустамжон ўғли номига берилган UM 0687823 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар 9-ўрта таълим мактабини 1993-1994 ўқув йили-да тамомлаган Тюлькина Ольга Владимировна номига берил-ган 003489 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Марғилон педагогика коллежи (собик Марғилон педагогика билим юрти)ни 2001 йилда тамомла-ган Қодирова Саодат Комиловна номига берилган 026894 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Марғилон педагогика коллежи (собик Марғилон педагогика билим юрти)ни 2000 йилда тамомлаган Эгамбердиева Дилноза Қодировна номига берилган 340988 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона политехника институти-ни 2013 йилда тамомлаган Ход-жаназаров Адхам Ахмеджонович номига берилган В 706854 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона касб-ҳунар мактаби (собик Фарғона маийш хизмат ва педагогика коллежи)ни 2012 йилда тамомлаган Ашурова Дилоромхон Мусакон қизи номига берил-ган К 2626093 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона тумани 1-сонли касб-хунар мактаби (собик Фарғона туман технология касб-хунар коллежи)ни 2015 йилда тамомлаган Абдулазизо-ва Мохилул Абдумулибона номига берилган К 3949401 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қўқон шаҳар касб-хунар мактаби (собик Қўқон қурилиш ва иқтисодиёт коллежи)ни 2017 йилда тамомлаган Журақўзиев Дил-шоджон Баҳодиржон ўғли номига берилган К 4789767 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



C1

Ўзбекистонда журналистлар қанчалик профессионал бўлса, давлат ҳам шундан фойда кўради. Журналистлар ишончли маълумотлар беришида, биринчи навбатда, тизимнинг ўзи манфаатдор. Тўғриси, ҳукуматнинг сиёсатини тўғри тушуниришда. Мана шу ўзига хос профессионал мурося ва мулоқот шаклланиши бошлади. Биз тренингларда Уолл Стритда ишлайётган ўзбекистонликлар билан суҳбат қилдик. "The New York Times", "NBC" каналларида дата журналистика бўйича ишлайдиган журналистлар қатнашди. Жаҳон банки, халқаро молиявий институтларнинг вакиллари бемалол гаплашишяпти.

Ўзбекистонда дата журналистика нима дегани? Бу – иқтисодийётни яхшироқ тушунириш, бизнесни яхшироқ тушунириш, катта қўламдаги курсаткичларни, информацияларни таҳлил қилиш. Яъни, биз ҳақиқатда журналистларнинг ўз ишини яна ҳам дадирироқ ва чуқурроқ қилишига ёрдамлашяпмиз.

М.Обидов: – Уч йилдан бўён Ўзбекистонга эркин келиб кетяпсиз. Акредитациядан ўтгансиз. Мухбир сифатида исталган одам билан учрашиб, гаплашяпсиз, ёритапсиз. Айтингчи, Президент Мирзиёев ўтказаятган ислохотлар ичиде энг муваффақиятлиси қайси бири деб ҳисоблайсиз?

Н.Имомова: – Ўзбекистоннинг дунёга очилгани, яъни бугун халқаро ҳамжамият Ўзбекистон билан ҳар қандай мавзуда бемалол гаплашишига ишонади ва бунга амалга оширмақда. Илгари Ўзбекистон шу қадар ёпилиб кетгандики, ҳатто оддий мавзуларни ва масалаларни муҳокама қилиш энг юқори даражада ҳам бош оғриқка, зиддиятларга айланган эди. Мен буну ўзқ йиллар Вашингтондан туриб кузатганман. Ўзбекистон Америка, Европа Иттифоти билан ҳамкорлик қилар, лекин жуда тор йўналишда эди. Ҳозир, масалан, агар дунёга Вашингтондан карасак, Марказий Осиё билан боғлиқ нимаики мавзу кўтарилса, Ўзбекистон ҳақида гап кетади. Яъни, Ўзбекистон ҳақиқатда минтақада энг фаол, динамик тизим ва жамият сифатида майдонга чиқишга ҳаракат қилмоқда. Лекин бунинг иккинчи томони бор. Сиз қанчалик кўп ваъда берсангиз, қанчалик кўп интилсангиз, сиздан шунчалик кўп нарсас кутилади. Ҳар сафар Фарбада Ўзбекистон мақталганида, Ўзбекистондаги озми-кўпми ўзгаришлар тан олинганда, бу ўзига хос Тошкентга босим ҳамдир. "Биз сиздан янаям кўпроқ қадамлар кутаяпми. Янаям қаттиқроқ ҳаракат қилинг" дейишади.

Ўзбекистондаги ўзгармаётган ҳолатлардан, яъни коррупцияга қарши курашиш, банк тизими ислох қилиш узок вақт олади. Ўзбекистон ўзи берган ваъдаларида тура олиши керак. Ўзбекистонда агентликлар, вазириликлар пайдо бўлиб, бошқалари йўқ бўлганда давомийлик бўлиши керак. Яъни, бу агентлик кетди, бунинг учун биз жавоб бера олмаймиз деган баҳона ўтмайди энди Ўзбекистонга. Ўзбекистондан одамлар систематик ўзгаришлар кутяпти. Ва мен ҳукумат билан мулоқотларимда ўша ўзгаришга янгилик сифатида қарайман. Бир неча мақолам чиқди, инглиз тилида. Шуларнинг бири Ўзбекистондаги ислохотларнинг сурвати ҳақида ва унда бу



суръатни Ўзбекистон ҳукумати вакиллари, парламент аъзолари тушунтириб беришяпти. Бу мақолам чиққанида унга кўплаб Фарб тахлилчиларининг шарҳи шу бўлдики, қойил, биз ҳамиша Ўзбекистондаги ислохот жараёнларини Фарбадаги экспертлар таҳлилида кўрар эдик ёки мустақил экспертлар таҳлилида. Лекин бизга ҳозир бу суръат, бу қўлам қанчалик секин ёки муаммоли эканини Сенат раиси тушунтиряпти. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирилик тушунтиряпти. Ўзбекистондаги муаммоларнинг қанчалик мураккаб эканини, нима ишлар қилиниб, қилинмаётганини ҳукуматнинг ўзи ҳам тан оляпти. Лекин беш йил олдин менга Сенат раиси ёки Ташқи ишлар вазирилик вазириликнинг ўзида ўтириб, ҳеч қачон тушунтириб беришмасди. Ёки Инновация вазирилик ўзи бизда олимлар етишмайди, биз билимга асосланган иқтисод яратмоқчимиз, бизга ёрдам керак, деб айтмас эди. Коррупцияга қарши кураш агентлиги раҳбари Акмал Бурҳонов айтяпти, биз шу қадар коррупцияга ботиб кетганмизки, биздан мўъжиза кутманг, яъни коррупцияга қарши кураш ҳар бир инсоннинг ўз хиссасини талаб қилади деб.

Мен Ўзбекистонга келганимда манзарани ҳеч қачон оқ ва қорага ажратишни хохламайман. Мен учун энг қизиғи орадаги кулранг, энг мураккаб динамика ҳам ўша ерда. Мана шуниси билан қизиқ ҳозирги Ўзбекистон. Умид қиламанки, Ўзбекистон мана шу йўналишда давом этади.

М.Обидов: – Сиз ҳозир ҳукумат аъзолари, депутатлар, парламентдаги амалдорларнинг сиёсий фаоллигини алоҳида таъкидлаб ўтдингиз ва бу ҳол жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилаётганлигини айтиб ўтдингиз. Сиёсий таҳлилич сифатида сизнинг фикрингиз биз учун жуда қизиқ. Масалан, партия тузмоқчи бўлган Оллоқуллов, ўзини "Эрк" партияси вакилиман деб эълон қилган Отажоновларнинг уйларида бир гуруҳ одамлар боришди. Ўўш, айтингчи, бу ҳозир сиз айтган ҳукумат аъзолари, парламент аъзолари фаоллигининг давми, яъни аҳолининг сиёсий фаоллигини?

Н.Имомова: – Биласизми, оқиқлик нисбатан бўлса ҳам қизиқ нарсас. У ҳаммага куч беради. Яъни, бирор бир жамият ҳеч қачон яхши ва эзгу ниятли инсонлардангина иборат эмас. Ҳар қандай имкониятдан ҳамма ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши мумкин ва улар бунга ҳақли, агарда қонунни бузмаса, тўғрими? Мен Хидирназар Оллоқуллов билан

Тошкентнинг марказида очик тарзда, парқда ўтириб, уч ярим соат суҳбатлашдим. Ҳеч ким бизга ҳалақат бергани йўқ. Ҳокимиятга интилаётган, сиёсий партия тузиб, бугунги тузумни ўзгартираман, ҳозирги ҳукумат иш бермаяпти, самара бермаяпти деб ўтирган одамни нима учун шу ишларни қилмоқчи экани ҳақида саволга тутдим. Олдин бунақаси бўлмаган. Олдин биз Ўзбекистондан чиқиб кетган, бирор бир мамлакатга бориб сиёсий бошлана сўраган, яъни бевосита боғлиқлиги қолмаган одамлар билан гаплашардик. Бўлиб ўтган воқеалар ҳақида гаплашардик. Лекин бу Ўзбекистонни ўзгартриш учун ўз дастуриميزга эгамиз деган одам билан гаплашдим. Бу, масалан, умуман олганда, ўзига хос бир соғломликдан дарак беради. Оллоқулловга жуда кўплаб саволлар бердим, сизнинг нимангиз янги, сиз нимани ўзгартирмоқчисиз, Ўзбекистонни сизга ўхшаганлар бошқармоқда, деб роса тергадим.

М.Обидов: – Гендер тенглик ҳақида ҳам гапирибсизда.

Н.Имомова: – Албатта. У киши босиқлик билан жавоб берди. Ҳар қандай сиёсатга интилган одам учун синов керак. Бунга, масалан ўзим журналист сифатида ижобий баҳолайман. Бошқа томондан, энди популизм деган нарсас бор. Ўша имкониятлардан фойдаланиб, ўзини танитиб қўйиши, ўзининг гоё ва фикрларини тарғиб қилиши хоҳлайдиган қатлам ҳамиша бўлади. Бу ҳар қандай жамиятда бор. Ўзбекистонда кўп нарсас бизнинг кўзимизга, умуман иқриқарида ўтирганларнинг кўзига ваҳимали кўринади. Чунки бунақаси олдин бўлмаган.

М.Обидов: – Балки бўлгандир, лекин бу ҳақида ахборот тарқамаяндир?

Н.Имомова: – Бундай ахборот бўлганда ҳам, масалан уларни руҳан ногсонлом деб қасалхоналарга тасиб қўйган пайтларини кўрганимиз... Сиёсатга интилган, фаол бўлишга ҳаракат қилган одамлар энг ақили, энг профессионал, энг виждонли бўлиши керак деган қоида йўқ бу дунёда. Сиёсатга одамларни олиб келадиган нарсас норозилик хисси. Яъни, инсон шу даражада безовта бўлиши керакки, сиз сиёсат орқали ўзгариш қилмоқчисиз. Бу кўплаб етуқ жамиятларда нормал, табиий қабул қилинади. Яъни, сиёсатга одамлар адолат излаб, топа олмаганлиги учун боради. Ўзбекистонликларнинг ҳам бунга ҳаққи бор. Фақат қонунлар доирасида ҳаракат қилиш лозим. Бақирок, жанжалхалқ одамлар бўлади, ҳар қандай жамиятда. Ўзбекистонда ҳам улар бўлган. Айтмоқчиманки, мен учун журналист сифатида ҳам, ташқаридан келиб шу жараёнларни кузата-

ётган бир мутахассис сифатида ҳам бу – Ўзбекистондаги бошқа муаммолар билан қиёслайдиган бўлсак, у қадар жиддий масала эмас, очиги.

М.Обидов: – Сиз Ўзбекистоннинг имижига ҳақида гапирдингиз, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган ўрни ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтдингиз. Дарҳақиқат, Ўзбекистонга дунё ҳамжамиятининг, айниқса, учта йирик мамлакатларнинг эътибори ортиб бораётгандек. Масалан, Хитой инвестициялар киритиш миқдорини жуда тез ошириб борапти. Россия турли гуманитар соҳаларда Ўзбекистонга кириб келиш ҳаракатини қияпти. Яқиндан мингдан ортиқ рус тили ўқитувчилари Ўзбекистонга келиб, бегараз ишлашяпти. Ёки сиз яшайдиган, ишлайдиган оммавий ахборот воситаси жойлашган Америка Қўшма Штатлари Афғонистондан қўшинларини олиб чиқиб, Ўзбекистонда жойлаштириш нияти ҳам борлигини оммавий ахборот воситаларига сиздирди. Ўўш, айтингчи, Америка Қўшма Штатлари Афғонистондан ўзининг қуролли қўчаларини олиб чиқиб, Ўзбекистонда яна қайтадан ҳарбий базасини очили қанчалик ҳақиқатга ақин?

Н.Имомова: – Ўзбекистон қонунлари мамлакат ҳудудида хорижий аскарларни жойлаштиришни ман этади. Бунга Қўшма Штатлар жуда яхши билади. Яъни, Қўшма Штатлар келиб, қонунингизни бузинг, деган тақлиф бермайди ҳеч қачон. Пентагон бунга бизга ҳам айтди. Мен ўзим ҳам бу жараёнларни ёритапман. Ақин Шарқ ва Марказий Осиёдаги ҳарбий миссиялар билан шуғулланадиган қўмондонлик билдирдикки, биз Марказий Осиё давлатлари билан гаплашяпмиз. Америка жуда қийин бир аҳволда. Ҳақиқатда берди. Ҳар қандай сиёсатга интилган одам учун синов керак. Бунга, масалан ўзим журналист сифатида ижобий баҳолайман. Бошқа томондан, энди популизм деган нарсас бор. Ўша имкониятлардан фойдаланиб, ўзини танитиб қўйиши, ўзининг гоё ва фикрларини тарғиб қилиши хоҳлайдиган қатлам ҳамиша бўлади. Бу ҳар қандай жамиятда бор. Ўзбекистонда кўп нарсас бизнинг кўзимизга, умуман иқриқарида ўтирганларнинг кўзига ваҳимали кўринади. Чунки бунақаси олдин бўлмаган.

М.Обидов: – Бу Ўзбекистон учун керакми ва нима бера олади сизнинг фикрингизча?

Н.Имомова: – Очиги, бундай масалаларда фикр билдиришни, таҳминга берилиши хохламайман. Журналист сифатида бунга ҳаққим йўқ. Лекин таҳлил қиладиган бўлсак, шу пайтгача Марказий Осиё ва Қўшма Штатлар орасидаги ҳарбий ҳамкорлик регионга, хусусан, Ўзбекистонга нима берди, дейдиган бўлсак, 2001 йилда, ўша 11 сентябрь воқеаларидан кейин Ўзбекистон билан шундай бир ҳамкорлик бошланганди. 2005 йилда Қарши, Хонободаги ҳарбий база ёпилиб кетганидан кейин жуда бир зиддиятли вазият бўлган. Шундан кейин ҳам Ўзбекистон билан ҳарбий

ҳамкорлик давом этган. Чунки Афғонистонга ноҳарбий юк шимолдан кириб келган. Шимолий таъминот тизими барча Марказий Осиё давлатларини қоплаган эди ва бунда Ўзбекистон жуда ҳам муҳим роль ўйнаган.

М.Обидов: – Мен хизмат юзасидан бир неча бор Афғонистон Республикасида бўлганман. Ҳатто, ўша сиз айтган 11 сентябрь воқеаларидан кейин Америка бомбалар ташлаб, ҳарбий амалиётлар ўтказаятганда ҳам у ерда бўлдим. Генерал Дўстумнинг ҳимоясида ўша ердан бир қанча мўд-тез репортажлар ҳам бериб туришга тўғри келди. Толибонлар ҳаракати жуда мураккаб хали. Уларнинг бир сиёсатда қатъий туриши ва ўзининг берган ваъдаларига риоя қилишига ишониш жуда қийин. Менимча бу мураккаб масала. Ўзбекистон ҳукумати атрофлича қўриб, ўрганиб чиқиб кейин бир хулосага келса керак.

Н.Имомова: – Ўзбекистон дипломатиясининг қучли бир жиҳати, бунга Фарб сиёсатдонлари ҳам очик тан олишади, у ўз манфаатларини кўзлаб қўйган. Яъни, Толибон билан бевосита мулоқот мавжуд. Толибон билан орада ишонч бор. Толибон қўшинлар билан зиддиятга бориши хохламайди. Толибон Ўзбекистонга берган ваъдаларини буза олмайди. Чунки ўз имкониятларини бой берган бўлади.

М.Обидов: – Суҳбатимиз давомида коррупция сўзини қайта-қайта тилга олдингиз. Дарҳақиқат, коррупция турга ўхшаган мураккаб, унинг формуласини тасаввур қила олмайсиз киши. Ўзбекистонда базилар коррупцияга қарши курашиш учун жазони оғирлаштириш керак, деган фикр тарафдори. Иккинчи фикр ҳам бор. Халқнинг маънавияти, онги орқали жиноятга нисбатан унинг муносабатини ўзгартриш керак дейишади.

Н.Имомова: – Масалан, Европа давлатлари, Қўшма Штатлар ёки Канадада биринчи навбатда, коррупция нима эканлиги, юлғичлик, молиявий оқчўзлик, ўғирлик, биронинг ҳаққига кўз олайтирмаслик, қонунни бузмаслик боча ёшдан ўргатилади. Яъни, у сизнинг менталитетингизнинг бир қисмига айланади. Ошқоралиқни, шафдофликни таъминлаш, масъулиятли бошқарувни йўлга қўйиш ҳам муҳим. Коррупцияга қарши кураш агентлиги олға суратган қонун лойиҳаларидан бири, бу – мансабдорларнинг молиявий ахборотини, ҳисоботини очик-ойдин қўрсатиш. Яъни, ким қанча маош олади, қанча солиқ тўлайди? Қанча хусусий мулкка эга? Қандай бизнеси бор? Буларни очиб бериш Ўзбекистон учун жуда муҳим синов бўлади. Аммо ҳамма мансабдорлар ҳам бунга хохламайди.

Айни дамда, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаларига коррупцияни ёритиш учун кенгрок имкониятлар бериш ва ҳукумат бу жараёнларга аралашмаслиги керак. Майли журналистлар хато қилаётган бўлиши мумкин. Улар этикани бўзаятган бўлишлари мумкин. Лекин журналистларнинг ҳам бу жараёнларни ёритишга, ўрганишга ҳаққи бор. Яъни, журналистларнинг ҳам хато қилишга ҳаққи бор. Яна бир муҳим масала, Ўзбекистонда ОАВ воситалари ва уларнинг фаолияти ҳам мана шу коррупцион системанинг бир қисми. Яъни, ОАВ воситалари, биринчи



навбатда, ўзларини коррупциядан тозалашлари керак. Ҳаммаси бир-бирига боғлиқ.

М.Обидов: – Айнан Президент Мирзиёев даврида, яъни шу сўнгги йилларда янги, биз учун илгари маълум бўлмаган блогер деган тушунча пайдо бўлди. Улар ўзларини "халқ ҳимоячиси" дея чиқишади, адолатни йўлга қўйишимиз керак деб илдоо қилишади. Умуман, блогер деган тушунчага сиз қандай таъриф берган бўлардингиз?

Н.Имомова: – Блогерлар жамоатчи фаоллар. Улар қанчалик илдоо қилишмасин, халқ номидан гапирялман деб, улар муайян қатламлар, гуруҳлар, тоифадаги одамлардан чиққан фаоллар. Блогерлар ҳолис бўлиши шарт эмас. Бу улардан кутилмайди. Улар ўзига хос тарғиботчилар, ижтимоий-сиёсий шарҳловчилар ҳам бўлиши мумкин. Лекин блогерман деб чиқишининг ўзига етмайди. Улар журналистлар сингари ишонч қозона олиши керак. Блогер кўплаб жамиятда охириг ўттиз-қирқ йил ичиде қўлланилган термин. Ҳозир Ўзбекистонда кўплаб блогерлар аслида ўзларини сиёсатчилардек туттишади. Яъни, улар ин-формациялар бермайди, балки бу оқ, бу қора, бу менга ёқади, бу менга ёқмайди, бу одамга эргашинг, бу одамга эргашманг, дейди. Яъни, қайсидир даражадаги оғохлантйрувчилар, ўт ўчирувчилар ролига кирган.

"Ҳўқм чиқарувчилар", албатта "прокурорлар" йи бор улар орасида. Оддий қилиб айтганда, "разборщиклар" деб ҳазиллашаман. Лекин, биласизми нима учун улар фаоллашди. Нима учун одамлар уларни тинглашяпти. Уларга талаб бор. Тоқат қиласиз уларга ҳам. Улар ҳам шу жамиятнинг овозлари. Шунингдек, жамоатчилик уларни ҳам элакдан ўтказиш эркинлигига эга. Яна қизми, кўплаб мутахассислар қулай бўлганда журналист шляпасини киийшяпти, қулай бўлганда блогерлик ва қулай бўлганда улар бошқа идораларда ҳам ишлашади, ҳатто давлат идораларида ҳам. Мен нега боя коррупция ва медиани боғладим. Манфаатлар тўқнашуви хали деярли илдиз отмаган тушунча. Яъни, журналист журналистика билангина шуғулланиши керак. Сиз давлат идорасида ишлай олмайсиз. Блогерлар ҳам шундай. Мен давлат идорасида раҳбар бўлганимда блогерлар қўл остимда ишлашни хохламаган бўлардим.

М.Обидов: – Навбаҳор Имомова ким ўзи? Америка фўқароси, дунёнинг энг

етақчи ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги муҳбири бўлгунча у қандай ҳаёт йўлини босиб ўтган? Унинг ҳаётий шiorлари нималардан иборат?

Н.Имомова: – Мен болалигимдан сиёсатни жудаям яхши кўрганман, жудаям қизиқанман. Ҳатто мактабга бормаган пайтимданоқ янгилик мен учун ҳамиша қудрат сифатида туюлган. Яъни, сиз инсон сифатида қанчалик кўп билсангиз, шунчалик кўп таъбир қучига эгасиз деб ва мана шундай бир ўзига хос фалсафа билан катта бўлганман.

Катта оилада улғайганман. Оддий қишлоқда. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманининг Тошкўрғон деган қишлоғида. Отам зиёли инсон бўлганлар. Далада катта бўлганмиз. Фақат дала ишлари билан, ёки уй-рўзгор ишлари билан шуғулланганимиз ё ўқиганимиз. Яъни, ҳаётимиз мана шу икки нарсадан иборат бўлган ва улғаяётганимда ё дипломат бўламан, ё адвокат бўламан, ё журналист бўламан, дер эдим. Ҳиндистонда ўқидим, бакалаврликка. Қўшма Штатларга ййгирма икки йил олдин бордим, журналистика ва сиёсий бошқарувга ўқидим. Тўрт йил олдин Гарвард университетининг сиёсий бошқарув ва лидерлик йўналишида тугалладим. Лекин журналистикадаман ҳамон. Чўнки юрагим шу соҳада. Журналистика шунчаки бир жозибадор соҳаки, мен учун бу, биласизми, энг эркин, ҳеч ким хоҳласа ҳам бошқара олмайдиган соҳалардан. Майли, одамлар ўйласин, журналистларни бошқаряпмиз деб. Ўзларини алдашаятган бўлади. Мен айтган бўлардим, энг ёпик жамиятларда ҳам журналистни бошқаряпмиз десангиз хато қиласиз. Журналист сиз хоҳлаган гапни айтаётган бўлиши мумкин. Уни бунга мажбур қилаётган бўлишингиз мумкин. Лекин ич-ичидан бу инсон сиздан маънавий жиҳатдан йирок. Журналистика мен учун ҳақиқатда энг қудратли соҳа. Журналист агар ҳақиқатда ўз қасбини аҳамиятини билса, ҳеч кимга зор етказмайди-ган томон. Чўнки у ҳамманинг манфаати учун хизмат қилади. Биз ҳеч кимга душман эмасмиз. Шунинг билан, одамлар ҳам билиши керак. Бизнес манфаатлар ҳам тушуниши керак. Агар дунё тажрибасига қарасангиз, йирик-йирик муаммоларни олиб чиқиб ечимларини топиб беришга туртки берадиганлар булар – журналистлар. Журналистика қанчалик ривожланса, жамият шунчалик мустақкам бўлади.

Қилмиш – қидирмиш



ДОЛЛАРНИ ЯШИРГАН "УДДАБУРОН"

Фарғона вилояти божхона бошқармаси "Фарғона" чегара божхона пости ходимлари томонидан Ўзбекистондан қўшни республикага ҳаракатланаётган, фўқаро Д.С. бошқарувидеги "Tracker" русумли автотранспорт воситаси белгиланган тартиб-

да назоратдан ўтказилганида, автомашина олд ўриндигининг орқа чўнтағида божхона назоратидан аширилган, оғзаки сўровда маълум қилинмаган ҳамда декларацияланмаган жами 25800 АҚШ доллари борлиги аниқланди. Божхона органлари томонидан

мазкур ҳолат юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шавкатжон СОТВОЛДИЕВ, вилоят божхона бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

АИТ "ИПАК ЙЎЛИ" БАНКИНИНГ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ БАЛАНСИДА БЎЛГАН МУЛК СОТИЛАДИ

Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, "Иттифок" МФЙ, Андижон кўчаси, 21-ўйда жойлашган, умумий ер майдони 8 214,6 кв.м., қурилиш ости майдони 731,45 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 702,43 кв.м.дан иборат бўлган нотураг бино-иншоотлар 1 528 382 121,16 сўмга (15% ҚҚС билан бирга) сотилади.

"ИПОТЕКА БАНК" АТИБ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

банк балансида бўлган, Фарғона шаҳар, "Зарбдор" МФЙ, Гулзор кўчаси, 78-ўйда жойлашган омборхона (собик автомобиллар туриш жойи) бино-иншоотлари сотилаётганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Маълумот учун телефон: 78 229-73-38.
Мурожаат учун телефон: 93 975-58-53.
Манзил: Фарғона шаҳар, Қомус кўчаси, 26-уй.

	МУАССИС: «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalarini tahririyati» MChJ	Бош муҳаррир: Мухаммаджон ОБИДОВ	Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.	<i>Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди.</i> <i>Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.</i>		Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.		
		Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди» деб кўрсатилиши шарт.	Газета тахририятга юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.	<i>Босишга топшириш вақти: 19.00.</i> <i>Топширилади: 19.00.</i>	Бўйрмта: 457 Индекс: 7521 Адади: 7 542	Саҳифаловчи: Достонбек Холматов.		
		Газета сешанба ва жума кунлари чиқади.		Баҳоси келишилган нархда.			Навбатчи муҳаррир: Шохсанам Эшматова.	
		Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди» деб кўрсатилиши шарт.		Газета тахририятга юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.			Саҳифаловчи: Достонбек Холматов.	

ISSN: 2010-8370



9 977 010 937 006